O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **10** июнь, жума № **54** (2098).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **10** июня, **2005** год, № **54** (2098).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

«... Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади».

**Ислом КАРИМОВ**

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети ижроси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йил биринчи чорагида бажарилиши» масаласи муҳокама этилди. Унда тегишли вазирлик, қўмита ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишни қўмита раиси А.Аҳадов олиб борди. Кун тартибидаги масала юзасидан Молия вазири С.Раҳимовнинг ҳисоботи тингланди.

●

Приняты Постановления Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы подготовки кадров в сфере информационных технологий» и «О приеме в высшие образовательные учреждения Республики Узбекистан в 2005/2006 учебном году».

●

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

●

Очередные задачи по дальнейшему развитию фермерства определены Президентом Республики Узбекистан Исламом Каримовым на совместном заседании обеих палат парламента. Вопросы реализации этих задач были обсуждены на состоявшейся 3 июня 2005 года в Сенате Олий Мажлиса научно-практической конференции на тему: «Концепция развития фермерских хозяйств: вопросы совершенствования законодательства».

●

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти ҳамда қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Қон инсонлар хизматида» халқаро хайрия фонди ташкил этилди. Шу муносабат билан ўтган таъсис йиғилишида Маҳалла, Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, олимлар, шифокорлар, қон қуйиш станция ва бўлимлари мутахассислари иштирок этдилар.

●

Начались Дни санитарии, гигиены и экологической культуры, приуроченные ко Всемирному дню окружающей среды. В Галерее изобразительного искусства Узбекистана состоялась выставка «Национальные парки Узбекистана, экотуризм и устойчивое развитие», организованная совместно с Комитетом по аграрным, водохозяйственным вопросам и экологии Законодательной палаты Олий Мажлиса, юридическим институтом.

●

Тошкент давлат техника университетида «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция ишида беш юздан ортиқ талаба илмий ишлари билан қатнашди. Таъкидлаш жоизки, бешинчи маротаба ўтказилаётган ушбу конференция кўплаб иқтидорли ёшларнинг илм йўлига кириб келишига йўл очди.

●

В Ташкенте прошла Центральноазиатская международная выставка «Охрана, безопасность и противопожарная защита» – CAIPS-2005, в которой приняли участие около 30 компаний, продемонстрировавшие свои новейшие разработки в данной области. По мнению организаторов этого проекта – британской компании ITE Croup PLc и компании ITE Uzbekistan, – цель выставки, заключающаяся в предоставлении возможности зарубежным и локальным компаниям продемонстрировать свою продукцию, установить деловые контакты и наладить дальнейшее сотрудничество, достигнута. **(Читайте об этом на 10-й стр.).**

**(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).**

Идет летняя боевая учеба

## «СЫНЫ НЕБА» СТРЕМЯТСЯ ВВЫСЬ



**Воинский коллектив под командованием офицера Улугбека Шералиева с высокими результатами в боевой учебе завершил минувший период. Поэтому воины-авиаторы твердо намерены закрепить успех. Этому подчинены все их устремления в ходе напряженного ратного труда.**

Капитан Умид Рахматуллаев **(на снимке)** является потомственным военным летчиком. Любовь к небу он унаследовал от отца, Анвара Мухамедовича – первоклассного летчика-инструктора, летавшего на истребителях СУ-25, МИГах, Л-39, уволенного в резерв в звании подполковника. Командиром звена истребителей СУ-25 летает старший брат, капитан Музаффар Рахматуллаев, на два года раньше закончивший Джизакское ВВАУ.

На вопрос о том, почему выбран не самолет, а вертолет, офицер лишь пожимает плечами – мол вышло так. Зато в кабине боевого вертолета Ми-24 капитан Рахматуллаев преображается – в глазах блеск, каждое движение становится выверенным и четким, возникает ощущение единения человека и винтокрылой машины.

– Летает уверенно, – подтверждает начальник штаба эскадрильи капитан Тохир Умаров. – Вообще-то он – штурман эскадрильи, но на боевом дежурстве задействован в качестве командира экипажа.

**(Продолжение на 2-й стр.).**

В школах подготовки сержантов

## НАБОР НОВЫЙ – ЗАДАЧИ ПРЕЖНИЕ

В Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа (ТВО) недавно приступили к занятиям курсанты нового набора. Им в течение установленного срока под началом опытных и умелых наставников предстоит упорно потрудиться, чтобы получить заветный сертификат.

– Особенностью нынешнего набора явилась большая конкуренция среди кандидатов, направленных отделами по делам обороны, – говорит начальник школы полковник Назир Саидов. – Конкурс составлял пять человек на место. Членам приемной комиссии пришлось немало потрудиться, чтобы отобрать самых лучших. Ведь уровень физической подготовки и интеллектуального уровня кандидатов с каждым набором становится все более высоким.

Рост интереса гражданской молодежи к профессии вооруженного защитника Родины непосредственно связан с возросшим за эти годы престижем воинской службы в нашем обществе. Ну а популярность именно Школы подготовки сержантов ТВО вызвана еще и тем, что созданы хорошие условия для становления военных профессионалов. Готовят здесь кадры не только для войск Министерства обороны. Даже Министерство по чрезвычайным ситуациям на договорной основе организовало здесь двухмесячные курсы переподготовки своих специалистов.




**(Продолжение на 6-й стр.).**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## «БЕОЗОР» ҒОЯЛАРДАГИ МАҚСАДЛАР

Миллий истиқлол мафкурасига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосий вазифаларидан бири юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши эканлигини билиб оламиз. Айнан юрт тинчлиги омили бўйича олиб қаралса, давлатни нафақат ҳарбий, балки иқтисодий, ғоявий, экологик, ғайриинформацион таҳдидлардан муҳофаза этиш устувор аҳамият касб этишини англаш мумкин. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мулоҳазаларимиз айнан мазкур мавзуга қаратилган.

Сиз дунёнинг ҳудудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлинишини география дарсларидан яхши биласиз. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб ва мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда ер юзининг ҳудудий бўлинишини бемалол тасаввур қила оламиз.

Инсоният XXI асрга келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам давом этмоқда.

Бугун Ер деб аталувчи кичик сайёра – Она замин одамзот учун ягона макон эканлиги ҳаммага маълум. Бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки жилла қурса бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш учун ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш учун олиб борган урушлари ўзининг кўлами жиҳатидан ажралиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланмоғи керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганлигини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан ҳарбий эҳтиёжлар важидан уруш қуроллари ва воситалари такомиллашгандан такомиллашиб бораверди. Фан-техника соҳасидаги энг янги ва илғор кашфиёт ҳамда ихтиролар айнан ҳарбий эҳтиёжлар сабабли яратилаётганлиги ёки биринчи галда шу соҳага татбиқ қилинаётганлигига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бугунги кунда фақатгина оммавий қирғин қуролларининг бир тури ҳисобланган ядровий қурол захиралари миқдори шу даражага бориб етдики, улар бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади.

**(Давоми 6-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## АМИР ТЕМУР САРКАРДАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов Соҳибқирон Амир Темур ҳақида шундай таъкидлайди:

«Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, имон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди».

Амир Темурнинг шахсий раҳнамолиги остида вояга етган, ўрта асрнинг энг қудратли ва интизомли армияларидан бирини барпо қилишда, жаҳоншумул нусратларни қўлга киритишда унга сафдош бўлган саркардаларнинг ҳаёт йўлини асл манбалар асосида чуқур ўрганиш, темурий саркардалар галереясини яратиш истиқлол мафкураси қўяётган талабларга муайян даражада жавоб беради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарб санъатига қўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадиий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу борадаги изланишларни узлуксиз давом эттириш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги янгидан-янги хусусиятларини кашф этишга хизмат қилади, деган фикрдаман.

Ҳазрат Амир Темурнинг бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солган ҳарбий зафарларига, албатта, фақат унинг Оллоҳ томонидан инъом этилган лашкарбошилик салоҳияти маҳсули, дебгина қарамасдан, балки унинг фавқулодда замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган, ўша даврнинг илғор жанг олиб бориш амалиётларини мукаммал эгаллаган ўта интизомли армияни тузиши натижаси тарзида баҳоламоқ ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асосий карвон йўллари устидан қатъий назорат ўрнатиш, салтанат қудратини юқори поғонага олиб чиқиш, халқ турмуш тарзини кўтариш каби олий мақсадлар йўлида Амир Темур XIV-XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактик жиҳатдан тенги йўқ тезкор ҳарбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда иштирок этди, оламшумул ғалабаларга эришди. Амир Темур ўзининг 45 йил давомида олиб борган тўхтовсиз ҳарбий ҳаракатларида қўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъдодли қўмондонларни танлашга, уларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида куч сарфлади.

Ҳарбий ишнинг мураккаб сир-асроридан тўла воқиф бўлган, ғаним кучлари сафларини синдириш усулларини пухта эгаллаган, мураккаб вазиятларда ҳам эсанкирамай дадил ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқ ҳамда ғовларни усталик билан босиб ўтадиган, мақсадларнинг рўёбга чиқиши йўлида ўз жонини ҳам бахшида этадиган фидокор ва содиқ шахсларни Соҳибқирон, биринчи навбатда, қўшинда мавжуд бўлган турли лашкарбошилик вазифаларига лойиқ топар, аскарлар тақдирини уларга топширар эди.

**(Давоми 8-бетда).**

Муштарийларимизга

## МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ МЕҲНАТИНИ ҚЎРИҚЛАЙМИЗ

Мустақил Ватанимиз ва унинг Қуролли Кучлари ҳаётида унутилмас воқеа – Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий билим юртлари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида Давлат имтиҳонлари даври бошланди. Орадан кўп вақт ўтмай, армиямиз сафларига сара офицер-кадрлар, шу жумладан, олий ҳарбий малакали кадрлар келиб қўшилади. Академия, ҳарбий билим юртлари битирувчилари қўшинларга – бошқарма, штаб, қисм, бўлинмалар таркибига – алоҳида даврда, яъни Қуролли Кучларни янада такомиллаштириш, миллий армиямиз олдида турган стратегик вазифа – мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз хавфсизлиги ва осойишталигини, республикамизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасидаги кенг миқёсли ва чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлган ишларни амалга ошириш даврида келадилар.

Битирувчиларнинг янги отряди ушбу вазифаларни бажаришга тайёр. Уларнинг барчаси – юқори малакали, ақлий салоҳиятга эга бўлган кадрлар. Улар чуқур билимга эгалик ва сайқалланган профессионаллик билан ажралиб туради. Улар ҳарбий хизматда топширилган вазифа учун шахсий масъулиятни ҳис қилишга ҳамда уни адо этишга тайёр ва қодир. Улар айни вазиятдан келиб чиққан ҳолда стратегик жиҳатдан тўғри ва тактик жиҳатдан аниқ қарор қабул қилишга қодир.

Давлатимиз ижтимоий ҳаёт марказига фуқаро шахсини, унинг манфаатлари ҳимоясини қўйган. Қуролли Кучларимизнинг ҳаётий фаолияти марказида ҳам – жангчи шахси, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари туради. Армия ички ҳаётини демократлаштиришнинг асл моҳияти ҳам ана шундадир.

Аммо энг муҳими – улар олий ўқув юртлари қучоғида ушбу юксак маънавий тобланиш, миллий мустақиллик ғояларига садоқатни олдилар ва унга бутун умрлари давомида амал қилишга тайёрлар. Биз ҳам уларга муваффақиятли хизмат қилишни, буюк аждодларимиз ва уруш қаҳрамонлари анъаналарига содиқ қолишни, қисм ва бўлинмаларда юксак маънавий руҳиятни сақлаш, аскарий ўртоқликни мустаҳкамлаш ҳамда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси шарафи ва номини янада юксак кўтаришни тилаймиз.

**ТАҲРИРИЯТ.**

К нашим читателям

## ОБЕРЕГАТЬ НЕЗАВИСИМУЮ РОДИНУ, МИРНЫЙ ТРУД НАРОДА

В жизни нашей независимой Родины и ее Вооруженных Сил незабываемое событие – пора Государственных экзаменов в высших военно-образовательных учреждениях Министерства обороны и в Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Пройдет совсем немного времени, и наша армия получит значительное пополнение элитными офицерскими кадрами, в том числе и кадрами высшей военной квалификации.

Выпускники Академии, военных училищ придут в войска – в управления, штабы, части, подразделения – в особое время, отмеченное огромной по своим масштабам и уникальной по своей глубине работой по совершенствованию Вооруженных Сил, качественному решению стратегической задачи, стоящей перед нашей национальной армией, – обеспечить мир и стабильность в стране, безопасность и спокойствие народа, территориальную целостность республики и неприкосновенность наших границ.

Новый отряд выпускников готов к выполнению этих задач. Все они – высококвалифицированные, интеллектуально подготовленные военные кадры. Их отличает высокая компетентность и отточенный профессионализм. Они готовы и способны нести личную ответственность за порученный участок военной службы. Они способны принять стратегически верное и тактически грамотное, нестандартное, единственно верное, исходящее из данной конкретной ситуации решение и добиться его выполнения.

Наша страна поставила в центр общественной жизни личность гражданина, защиту его интересов. И в Вооруженных Силах в центре всей их жизнедеятельности – личность воина, его интересы и потребности. В этом заключается огромный смысл демократизации внутриармейской жизни.

Но самое главное – они получили в стенах высших учебных заведений эту высокую духовную закалку, преданность идеям национальной независимости и готовы следовать им всю свою жизнь. И мы желаем им удачной службы, следовать традициям великих предков и героев-фронтовиков, поддерживать в частях и подразделениях высокий нравственный климат, крепить войсковое товарищество и высоко нести честь и достоинство военнослужащего Вооруженных Сил.

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ.**

Ни для кого не секрет, что сегодня в центре внимания всех граждан нашей страны трагические события в Андижане и вокруг него. Но, к сожалению, поток подаваемых фактов по этому поводу столь огромен и зачастую носит противоречивый характер, что многие могут «запутаться» в обилии такой информации, чего и добиваются некоторые СМИ.

В связи с этим для наших читателей в сегодняшнем номере газеты мы публикуем материал, опубликованный в «Правде Востока» от 9 июня под рубрикой «Письмо пришло вчера».

## ДЛЯ ЧЕГО ЭТО ДЕЛАЕТСЯ?

Трагические события в Андижане и вокруг него, вполне естественно, находятся сегодня в центре внимания всех граждан Узбекистана.

Как человек, имеющий доступ к Интернету, я как бы находился в гуще этих событий, прослеживая 13 мая и в последующем за сообщениями, выступлениями и публикациями в нашей и зарубежных средствах массовой информации.

Прежде всего обращает на себя внимание огромный поток всевозможной информации по этому поводу, зачастую противоречащей друг другу. От попыток серьезно разобраться и оценить ситуацию, определить причины, приведшие к трагическим событиям в Андижане, – до самой низкопробной злонамеренной информации, построенной на ничем не прикрытой лжи, слухах и телефонных сообщениях так называемых информаторов с мест.

И все это преподносилось людям как свершившиеся факты в то время, когда была только-только начата работа следственной и экспертной комиссий, – работа очень сложная, если учесть масштабы трагедии и количество погибших и пострадавших людей.

**(Продолжение на 4-й стр.).**



2 НА ВОЕННЫХ КАФЕДРАХ
СТУДЕНТАМ ФОРМА К ЛИЦУ



3 АКТУАЛЬНОЕ ИНТЕРВЬЮ
Светлана ИНАМОВА:
«МЫ ПРЕЖДЕ ВСЕГО МАТЕРИ...»



6 СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ
«КЕНЖАТОЙДАН ҚЎРҚ, ҒАНИМ!»



9 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ
НАВОИЙ ГУЛШАНИГА САЙР

## ТВОЙ ИНТЕРЕС




**Очаровательная, милая и красивая НАДИРА ТУРСУНОВА является выпускницей 11-го класса школы № 110. Ей 18.**

**Целеустремленность и настойчивость помогают ей получать высокие оценки. Благодаря полученному багажу знаний она смело утверждает, что поступит в Ташкентский государственный экономический университет на факультет международных экономических отношений. В будущем желает освоить специальность экономиста и хочет сполна посвятить себя прогрессу нашей процветающей Родины.**

ХИТГА АЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР РЕЙТИНГИНИ «TV – MARKAZ» ТЕЛЕКАНАЛИ ТАҚДИМ ЭТГАН.



**МИЛЛИЙ ЎНЛИК**

1. Ҳеч айрилма (Райҳон)
2. Ичим ёнар (Лола)
3. 16 қўшиқ (Акбар)
4. Zakonni (Даврон Эргашев)
5. Баландда (Шоҳрух)
6. Нозигим (Ёдгор Мирзажонов)
7. Биламан (Сетора)
8. Йиғладим (Анвар Санаев)
9. Бахтлиман (Шаҳзода)
10. Megamix (Наҳотки сен)

**ЕВРОПЕЙСКАЯ ДЕСЯТКА**

1. Get right (Jennifer Lopes)
2. Like toy solders (Eminem)
3. How we do (The Game)
4. Quest-ce que ca te fout (K-Maro)
5. Kuzu-kuzu remix (Tarkan)
6. Лала (Жанна Фриске)
7. Gentlmen (Traghedi)
8. Encore une fois (Helena Segara)
9. Et sit u Nexistais pas (Willy Danzey)
10. Get the party started (Pink/Redman)



Тест



## ЕСТЬ ЛИ У ВАС ШЕСТОЕ ЧУВСТВО?

Насколько у вас развита интуиция? Часто ли вы прислушиваетесь к внутреннему голосу? Хотите это знать? Тогда ответьте на вопросы теста. За ответ «да» начисляйте по 1 баллу, за «нет» – 0 баллов.

1. Бывало ли так, что, играя на деньги, вы выиграли несколько раз?
2. У вас есть ощущение, что дом, в котором вы живете, уютный и счастливый?
3. Вы когда-нибудь слышали голос, который говорил, что вам нужно делать?
4. Верите ли вы в судьбу?
5. Часто ли так бывает, что при встрече с человеком вы заранее знаете, что он собирается вам сказать?
6. Вам когда-нибудь снились вещие сны?
7. Во время игры в различные шарады вы быстро и легко угадываете слова?
8. Часто ли в беседе вы проговариваете фразу за своего визави?
9. Случается ли так, что вы долго думаете о каком-то человеке, а потом неожиданно получаете от него известие или просто встречаетесь с ним?
10. Можете ли вы с первого взгляда правильно определить характер незнакомого человека?
11. Вы когда-нибудь просыпались ночью из-за гнетущего чувства беспокойства о своем друге или родственнике?
12. Были ли случаи, когда вам без особой на то причины не нравились какие-то люди?
13. Увидев какой-нибудь предмет одежды или аксессуар, вы сразу, без примерки, видите, что он просто создан для вас?
14. Вы верите в любовь с первого взгляда?

**А теперь подсчитайте количество набранных баллов.**

**От 9 до 14 баллов.**
Шестое чувство у вас развито очень сильно. Так что всегда, в любой ситуации, можете смело доверять своей интуиции.

**От 3 до 8 баллов.**
Вы не всегда прислушиваетесь к своему внутреннему голосу. А, между тем, обладаете хорошими интуитивными способностями. При принятии не очень важных решений попробуйте следовать первой пришедшей в голову мысли. Если же предстоят более сложные задачи, постарайтесь расслабиться – подышите свежим воздухом или примите ванну. Несколько минут отдыха – и у вас появится множество новых идей.

**От 0 до 2 баллов.**
Вы почти не прислушиваетесь к голосу интуиции. И напрасно. Шестое чувство серьезно облегчит вам жизнь, поможет избежать многих неприятных ситуаций и ошибок.

Выставки

## ГЛАВНОЕ ЗВЕНО – БЕЗОПАСНОСТЬ

Охрана, безопасность, защита – этим понятиям в современном мире придается на сегодняшний день едва ли не первостепенное значение. Во многом это обусловлено происками международного терроризма, огненная дуга которого опоясала почти весь земной шар, в результате чего человечество несет невосполнимые потери. Умело противостоять такому злу, суметь нанести ему упреждающий удар, везде и во всем проявлять бдительность и осторожность – в таком формате встает задача перед каждым из нас. Но как решить ее наиболее грамотно и профессионально? Один из ответов на этот вопрос – умелое использование достижений научно-технического прогресса. Над разработками новейших технологий в данной области трудится множество мировых компаний, многие из которых достигли впечатляющих результатов. Их продукция, пришедшая на помощь человеку, во многом позволяет избежать досадных случайностей, сорвать коварные замыслы тех, кто посягает на мирную жизнь.

В полной мере убедиться в этом могли жители и гости столицы, посетив I Центральноазиатскую международную выставку «Охрана, безопасность и противопожарная защита» – CAIPS-2005, которая проходила в Центральном павильоне Узэкспоцентра. Организацию данного проекта осуществили международная выставочная компания ПЕ Croup PLc (Великобритания) и ПЕ Uzbekistan при официальной поддержке Министерства обороны, Министерства внутренних дел, Главного управления пожарной безопасности Республики Узбекистан.

Программу выставки составили такие важные разделы, как «Охранная сигнализация», «Антитеррористическое оборудование», «Спецтранспорт», «Системы противодействия промышленному шпионажу» и другие, вызвавшие неподдельный интерес у посетителей, в том числе и представителей силовых структур, которых побывало здесь немало.

– В первую очередь нас заинтересовала продукция совместного узбекско-российского предприятия «USROSS – TECHNO», входящего, как известно, в состав международной корпорации «ПЕНТАКОН», – говорит подполковник Н.Байбусов. – Эта компания предлагает самые современные системы комплексной безопасности, контроля и видеонаблюдения, охраны периметра, распознавания лиц. На мой взгляд, они могли бы эффективно использоваться, к примеру, на таких важных стратегических объектах, как аэродромы. От представителей фирмы мы получили всеобъемлющую информацию и подготовим соответствующие предложения командованию.

Много полезного почерпнули для себя и представители МЧС, таможенной службы, детально ознакомившись с интересующим их оборудованием.

Если же брать в целом, то выставка «CAIPS-2005» дала возможность для зарубежных и локальных компаний продемонстрировать свою продукцию профессиональным потребителям, заинтересованным работой в одной из важнейших сфер, – охрана, защита и безопасность, установить деловые контакты с предприятиями в этой отрасли и активизировать сотрудничество в странах СНГ.

**Вячеслав ЛЬВОВ.**
**Фото автора.**



CAIPS 2005







Антиқа қонунлар



## КОВБОЙ БОТИНКАЛАРИНИ КИМ КИЯДИ?

Бемаъни қонунлар бўйича Калифорния Америкада биринчи ўринда туради.

Мазкур штатда ковбой ботинкаларини иккита сигири бўлмаган кишининг кийиб юриши мумкин эмас. Яна судда кўргазма бераётганда йиғлаш ҳам ман этилган. Бақа ва қурбақаларни ялаш қонунга мувофиқ тақиқланади. Ички кийимда машина ювганингиз учун сизни жазога тортишади. Жуда ҳам бемаънилик, тўғрими?

Бошқа штатлардаги қонунлар ҳам бундан қолишмайди. Хуллас, гапни қисқа қилиб, АҚШ штатларида нималар ман қилинганини санаб ўтамиз. Бу океан ортига сафар қилувчиларга асқотиб қолса, ажаб эмас.



## ТУЯ УСТИДА БАЛИҚ ОВЛАСАНГИЗ

Айдахо штатида туя устида ўтириб, балиқ овлаш мумкин эмас. Жуда қизиқ-а? Навбатдагиси бундан ҳам қизиқ. Нью-Орлеанда тимсоҳларни водопровод кранларига боғлаш тақиқланган.

Техасда меҳмонхонанинг иккинчи қаватидан бизонларга ўқ узиш мумкин эмас.

Алабама штати қонунларига кўра, кўзи боғлиқ ҳолда машина ҳайдаган киши жаримага тортилади.

Миннесотада яланғоч ҳолда ухлаш сабабли турмага тушиш мумкин.

Аляскада айиқларни суратга олиш учун уйғотиш, тирик буғуларни самолётдан ташлаш тақиқланган.

Оклахомада итларнинг ҳурмати баланд. Нега десангиз, у ерда итларни мазах қилиш мумкин эмас.

## КАКТУСНИ НОБУД ҚИЛГАНГА...

Аризонанинг Моухейв Каунти шаҳрида совун ўғирлаган киши ўша совун тугагунча ювинишга мажбур этилади. Яхшиямки, совунлар ғиштдай-ғиштдай эмас!

Худди шу штатда музқаймоқни чўнтакда олиб юриш, аёллар олдида тупуриш, черковга ясама мўйлов билан кириш ва кўчада кактусни нобуд қилган кишига 25 йилгача қамоқ жазоси белгиланиши мумкин. Энг қизиғи, бу штатда турмушга чиқмаган аёлларнинг балиқ овига ёлғиз боришлари тақиқланган. Глоуб шаҳрида эса кўчада ҳиндулар билан карта ўйнаш ман этилган.

## АРҚОНИНИ БЎШАТСАНГИЗ, ҚАМАЛАСИЗ

Литтл Рок шаҳрига машина ҳайдаб борсангиз, бутерброд ва салқин ичимликлар сотиладиган жойда сигнал бера кўрманг.

Нью Хемширда денгиздан чиққан ўтларни йиғиш тақиқланади.

Пулсиз юрмайсиз, биламизу барибир бир нарсани эслатиб қўйганимиз маъқул. Флориданинг Пенсакола шаҳри фуқаролари ўзлари билан камида 10 доллар пул олиб юришлари шарт.

Калифорниянинг Лафайет шаҳрида бирорта одамга бир метр яқинликда тупуриш жиноят ҳисобланади.

Сан-Францискога фил билан борсангиз, арқонини бўшатманг, акс ҳолда қамаласиз. Лекин қуёшда маза қилиб қорайишингиз мумкин, чунки бу штатда ўз фуқароларига қуёшда қорайиш эркинлигини берувчи банд ҳам бор.

Пуебло шаҳрида қоқиўт ўстириш ман этилган.

Провиденсе шаҳарчасида (Род-Айленд) дўконларда якшанба куни тиш пастаси ва чўткасини битта одамга бирга сотиш мумкин эмас.

## ҲАТТО РАСМ БЎЛСА ҲАМ...

Клинтон Каунтига бориб қолсангиз, қаерда дам олишни яхши билинг. У ерда маъмурий биноларнинг деворига суяниб турган киши жазоланиши муқаррар.

Оклахомада шаҳар мэридан рухсати бўлмаган итларнинг учтадан ортиқ тўпланиб туриши тақиқланади.

Оклахома Ситида тўғри юринг, негаки, бу ерда кўчада орқачасига юриб, гамбургер ейиш мумкин эмас.

Гавайи штатидаги Гонолулу шаҳрида хиёбондаги қушларга «тегажоғлик қилиш» тақиқланади.

Жоржиянинг Колумбус шаҳрига бориб қолсангиз, яна бирортасини ўзбекчасига меҳмон қиламан деб, товуқ сўйиб юрманг, қамалиб кетасиз.

Қўйни асти гапирмайлик. Монтана штати ҳудудида юк машинасига қўй ортиш ҳам тақиқланган, бироқ агар чўпони бирга бўлса, мумкин.

## МЎЙЛОВЛИЛАРГА ҚИЙИН

Сизга Иллинойс штатига мўйловингизни қирдириб боришни маслаҳат берамиз. Чунки бу штатнинг Юрика шаҳрида мўйловли эркаклар аёлларни ўпиши тақиқланган. Ҳа, бечора мўйловлилар!

Дарвоқе, каламушни ёқтирмасангиз ҳам унга чидашингиз керак. Шу штатдаги Гейлсбур шаҳрида каламушни бейсбол битаси билан урган одам 1000 доллар жарима тўлашга мажбур этилади.

Алабама штати қонунларида темир йўл рельсларига туз сепган кишига ўлим жазоси белгиланган.

Небраскада эса агар болакайни черковда ҳиқичоқ тутса, ота-онаси ҳибсга олинади.

Нью-Йорк штатидаги Кармеле шаҳрига йўлингиз тушиб қолса, кийинишга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Бу шаҳарда пиджагига мос келмаган рангда шим киймаган киши жазога тортилади.

